

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАДАМИНОВА МУҲАББАТ СОТВОЛДИЕВНА**

**МАТН ПРАГМАТИК ТАВСИФИДА СИНТАКТИК  
БИРЛИКЛАРНИНГ ЎРНИ**

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on  
philological sciences**

**Мадаминава Муҳаббат Сотволдиевна**

Матн прагматик тавсифида синтактик бирликларнинг ўрни ..... 3

**Мадаминава Муҳаббат Сотволдиевна**

Роль синтаксических единиц в прагматическом описании текста ..... 27

**Madaminova Mukhabbat Sotvoldievna**

The role of syntactic units in the pragmatic description of the text ..... 53

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 57

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАДАМИНОВА МУҲАББАТ СОТВОЛДИЕВНА**

**МАТН ПРАГМАТИК ТАВСИФИДА СИНТАКТИК**  
**БИРЛИКЛАРНИНГ ЎРНИ**

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Андижон – 2022**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/Fil1201 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.adu.uz](http://www.adu.uz)) ҳамда «Ziyounet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шахабиддинова Шохида Хошимовна  
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Раупова Лайло Раҳимовна  
филология фанлари доктори, профессор

Шукуров Отабек Улашевич  
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Кўкон давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Андижон давлат университети ҳузуридаги илмий даража берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «25» июнь соат 12<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 170100, Андижон шаҳар, Университет кўчаси, 129-уй. Тел: 0(374) 223 88 14; факс: 0(374) 223 88 30, e-mail: [agsu\\_info@edu.uz](mailto:agsu_info@edu.uz).)

Диссертация билан Андижон давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (130 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 170100, Андижон шаҳар, Университет кўчаси, 129-уй. Тел: 0(374) 223 88 14.

Диссертация автореферати 2022 йил «13» июнь куни тарқатилди.  
(2022 йил «  »    даги    рақамли реестр баённомаси).



Н.М. Улуқов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси, филология фанлари доктори, профессор

Ф.Ф. Усманов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш аъзойи котиби, филология фанлари буйича фалсафа доктори

М.Э. Умарходжаев

Илмий даража берувчи илмий кенгаш ҳаётинидаги илмий семинар раиси, филология фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон унослигида синтактик тил бирликларининг лингвистик табиатининг турли дискурсларда юзага чиқишини кузатиш, матн ва унинг таркибий тузилишини антропоцентрик планда тадқиқ қилиш, прагматик ва лингвопоэтик хусусиятларини очиб беришга катта эътибор берилмоқда. Она тили ва ўзга тилларни ўрганишда, матннинг машина таҳлилини амалга оширишда, автоматик таржима тизимлари, миллий корпусни яратишда, амалий филологиянинг қатор йўналишларини шакллантиришда бундай тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дунё тилшунослигида лисоний бирликларнинг лингвистик табиатини имманент ҳолатда эмас, балки бу бирликлар қўлланган нутқий вазият, муайян матн доирасида ўрганиш орқали янги хулосаларга келиш имконияти борлиги асосида синтактик сатҳ ва бу сатҳга оид тил бирликларини ҳам муайян матн доирасида тадқиқ қилиш, коммуникатив-прагматик ва лингвопоэтик хусусиятларини аниқлаш, уларнинг лингвопоэтик имкониятларини очиб бериш, турли дискурслар мисолида белгилаш, бадий матн синтаксисини лингвопоэтик ва лингвопрагматик талқинда ўрганиш борасида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шунингдек, синтактик бирликларнинг прагматик хосланишларига кўра матнни тавсифлаш, матнни тушуниб етишда бундай хосланишларнинг ўрнини белгилаш, прагматик тавсифига кўра матн яратувчисини тавсифлаш каби йўналишларда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш замонавий тилшуносликнинг суд лингвистикаси, лингвистик экспертиза, нейролингвистика каби кўринишлари учун долзарб аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий, таълим ва тарбия соҳасида амалга оширилаётган ишлар, айниқса, маънавий соҳадаги ислохотларнинг самарадорлигини ошириш зарурати бу йўналишдаги ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришни талаб қилмоқда. Зеро, «Бугунги глобаллашув даврида ҳар бир халқ, ҳар қайси мустақил давлат ўз миллий манфаатларини таъминлаш, бу борада аввало ўз маданиятини, азалий қадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратиши табиийдир<sup>1</sup>». Шундай экан ўзбек тилшунослигининг янада тараққий этишини таъминлашга бағишланган тадқиқотлар кўламини кенгайтиришни давр тақозо этмоқда. Шу маънода матн прагматик тусини белгилашда синтактик қурилмаларни алоҳида тадқиқот объекти сифатида матн доирасида махсус ўрганиш, уларнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб бериш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон «Олий ўқув юртидан кейинги таълимни янада

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5850-сон Фармони. Манба: <http://lex.uz/docs/4561730>.

такомиллаштириш тўғрисида»ги, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари; 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Кейинги даврда жаҳон тилшунослигида тамоман янгича лингвопрагматик таҳлил йўналиши шаклланди ва жадаллик билан ривожлана бошлади. Бадиий матн таҳлилида адабиётшунослик ва тилшунослик соҳаларининг ўзаро алоқадорлигида лингвопоэтик тадқиқотлар юзага келган бўлса, бадиий нутқнинг адресант–адресат мулоқоти масаласи лингвопоэтика билан лингвопрагматиканинг кесишуви жараёнини юзага келтирди.

Матн тилшунослиги ҳамда мазмуний синтаксис муаммоларига оид қатор тадқиқотларнинг юзага келиши лингвопрагматик тадқиқотларга йўл очиб берди. Дастлаб, «Прагматик қарашларнинг шаклланиши Ч.Пирс, У.Джемс, Д.Дьюн, Ч.Моррис каби таниқли файласуф олимларнинг номи билан боғлиқдир. Чунки уларнинг ишларида семиотика ҳақидаги асосий тушунчалар аниқланади, синтактика, семантика ва прагматика ўртасидаги ўзаро фарқлар кўрсатилади. Лингвистик прагматиканинг шаклланиши хусусидаги асосий маълумотлар Н.Д.Арутюнова, Е.В.Падучеваларнинг ишларида берилади<sup>2</sup>».

Ўзбек тилшунослиги лингвопрагматика йўналишининг шаклланишида Н.Маҳмудов, А.Нурмонов, М.Ҳақимов, Ш.Сафаров, А.Бобоева, М.Миртожиев, Д.Лутфуллаева, Б.Ўринбоев ва бошқаларнинг илмий тадқиқотлари диққатга сазовордир<sup>3</sup>.

<sup>2</sup> Бу ҳақда қаранг: Ҳақимов М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. – Т.: Akademnashr, 2013. – 176 б.

<sup>3</sup> Бу ҳақда қаранг: Маҳмудов Н. Эллипсис в узбекском языке: Дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1977. – 111 с.; Нурмонов А. Танланган асарлар. Уч жилдик. I жилд. – Т.: Академнашр, 2012. – 416 б.; Ҳақимов М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. – Т.: Akademnashr, 2013. – 176 б.; Бушуй Т.А., Сафаров Ш.С. Тил қурилиши: таҳлил методлари ва методологияси: илмий нашр. – Т.: Фан, 2007. – Б. 21; Бобоева А. Ҳозирги ўзбек адабий тилида тўлиқсиз гаплар. – Т., 1978; Миртожиев М.М. Гап бўлакларида семантик-синтактик номутаносиблик. – Т.: Университет, 2008. – 200 б.; Лутфуллаева Д. Тасдиқ гапларда инкор ва шаклий-мазмуний номувофиқлик: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Т., 1997. – 27 б.; Лутфуллаева Д. Содда гапларда йўқлик маъносининг яширин ифодаланиши // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 2001. – №5. – Б. 42-45; Ўринбоев Б. Ўзбек тили сўзлашув нутқи синтаксиси масалалари. – Т.: Фан, 1974.

Ўзбек тили синтаксиси масалалари ҳам тилшуносликнинг долзарб йўналишларидан бири сифатида янги босқичга кўтарилиб, антропоцентрик тамойиллар асосида кенг тадқиқ қилинмоқда. Хусусан, А.Хазратқулов, Л.Раупова, Ф.Каримова, Ш.Юсупова, М.Газиёваларнинг тадқиқот ишлари шулар жумласидан<sup>4</sup>.

Мазкур йўналишда бажарилган ишларда бадиий матн синтаксисини лингвопоэтик ва лингвопрагматик талқинда антропоцентрик нуқтаи назардан тадқиқ этилмаганлиги мавзунинг долзарблигини изоҳлайди. Диссертацияни ёзиш жараёнида номлари кўрсатилган ва бошқа бир қатор ўзбек ҳамда жаҳон олимларининг илмий изланишлари эътиборга олинди. Тадқиқотимизда мазкур йўналишда бажарилган ишлардан фарқли равишда бадиий матннинг когнитив-дискурсив хусусиятлари, коммуникатив-прагматик таҳлили масалалари ўзбек тилида синтактик қурилмаларнинг турли кўринишлари, уларнинг коммуникатив-синтактик, лингвопоэтик ва лингвопрагматик хусусиятлари очиб берилганлиги билан муҳим аҳамият касб этади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот иши Андижон давлат университети илмий-тадқиқотлар режасининг «Филология фанларининг долзарб муаммолари ва уларни амалиётга жорий этишнинг янги педагогик технологиялари» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ўзбек тилида синтактик қурилмаларнинг турли кўринишлари, уларнинг коммуникатив-синтактик, лингвопоэтик ва лингвопрагматик хусусиятларини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

синтактик сатҳ тил бирликлари ўртасидаги муносабат моҳиятини очиш уларнинг мулоқотдаги ўрнини аниқлаштириш, гапни фақат грамматик қурилма эмас, балки матнга оид тушунча сифатида матн-дискурс дихотомиясида тадқиқ этиш мумкинлигини исботлаш;

ўзбек тилида гапнинг коммуникатив мақсадни ифодалашдаги асосий хусусиятларини белгилаш, шунингдек, синтактик сатҳ бирликларини муайян коммуникатив ва семантик-синтактик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тавсифлаш;

ундалма, кириш ва киритмалар воситасида матннинг мазмуний ҳажмдорлик, ифодалилик, таъсирчанлик касб этишини далиллаш;

дарак, сўроқ, буйруқ ва истак гапларнинг коммуникатив-синтактик хусусиятларини очиб бериш;

синтактик сатҳ тил бирликларининг интернет дискурсидаги прагматик қимматини мисоллар асосида далиллаш.

---

<sup>4</sup> Бу ҳақда қаранг: Хазратқулов А. Ўзбек тили диалогик нутқ синтаксиси. – Тошкент: Фан, 1991; Раупова Л. Диалогик дискурсадаги полипредикатив бирликларнинг соціопрагматик тадқиқи: Филол. фан. д-ри. ... дисс. автореф. – Т., 2012. – 28 б.; Раупова Л. Диалогик дискурсадаги полипредикатив бирликларнинг соціопрагматик тадқиқи: Филол. фан. докт. ... дисс. – Т., 2012. – 220 б.; Каримова Ф.С. Ўзбек тилидаги диалогик нутқнинг лингвопрагматик хусусиятлари: Филол фан. б. ф. д-ри (PhD) ... дисс. автореф. – Т., 2021. – 22 б.; Юсупова Ш Диний матн прагматикаси. – Фарғона: Klassik, 2020. – 136 б.; Ҳакимов М., Газиёва М. Прагмалингвистика асослари [Матн]: дарслик. – Фарғона: Klassik, 2020. – 420 б.

**Тадқиқотнинг объектини** турли услубларга хос матнлар ҳамда замонавий интернет дискурсига оид синтактик қурилмалар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети**ни ўзбек тилида матн таркибидаги синтактик қурилмаларнинг коммуникатив-синтактик ва прагматик хусусиятлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда қўйилган муаммони ёритишда тилшуносликдаги тавсифлаш, қиёслаш, таснифлаш, компонент таҳлил, контекстуал, лингвопрагматик, лингвокультурологик таҳлил методларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

муайян мақсадли синтагмаларнинг прагматик хусусиятларини таҳлил қилишда мазмунни адекват тушуниш учун прагмемалар тизимини тиклаш зарурияти асосланган;

ўзбек тилидаги синтактик қурилмаларнинг лингвопрагматик хусусиятларини сўзлашув нутқ услуби эркинлиги ҳамда имплицит ифодаларга бойлиги туфайли мулоқот ёки контекст доирасида аниқлаш мумкинлиги исботланган;

дарак, сўроқ, буйруқ ва истак гапларнинг лингвопрагматик табиатида инверсия, парцелляция ва эллипсис ҳодисаларининг юқори экспрессив имкониятлари далилланган;

ўзбек тили замонавий интернет дискурси синтаксисининг оғзаки-ёзма синкретиклик, адабий меъёрдан чекиниш каби медиалингвистик табиати очиб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Тадқиқот натижаларидан ўзбек тилшунослигида коммуникатив синтаксис, матн лингвистикаси, синтактик қурилмаларнинг лингвопрагматик хусусиятларини ўрганишда фойдаланиш мумкинлиги асосланган;

ишда тўпланган материаллар ўзбек тили услубияти, матн таҳлили, матн-дискурс дихотомиясининг филологик таҳлили бўйича турли махсус курсларни ўқитишда ва ўқув қўлланмалар, магистрлик диссертацияларини ёзишда қўшимча манба бўла олиши кўзда тутилган;

тадқиқотдаги синтактик қурилмаларнинг ўзига хос кўринишлари ҳамда уларнинг турлари борасидаги янгича талқинлар айрим дарслик ва ўқув қўлланмаларидаги баъзи чалкашликларга ойдинлик киритишга кўмаклашади.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммонинг аниқ қўйилганлиги, чиқарилган хулосаларнинг қиёслаш, тавсифлаш, контекстуал таҳлил, лингвопрагматик таҳлил каби усуллар билан асосланганлиги, матн-дискурс дихотомиясида синтактик қурилмалар прагматик хусусиятларини изоҳлашда ишончли назарий манбалардан фойдаланилгани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзбек тилшунослигининг матн синтаксиси, стилистика, лингвопрагматика, паралингвистика, медиалингвистика каби соҳаларига оид назарий қарашларнинг муайян даражада ривожланиши ва бойишига хизмат қилиши билан изоҳланади.



Синтактик қурилмаларнинг матндаги ўрни коммуникатив-семантик нуқтаи назардан аниқ белгиланганлигига доир қарашлардан ўзбек тили синтаксиси, стилистикаси, пунктуацияси, лингвопрагматикаси, паралингвистикаси, медиалингвистикасига доир дарслик ва қўлланмалар яратишда, олий ўқув юртларида маърузалар, махсус курслар ўтишда, амалий машғулотлар олиб боришда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Матн прагматик тавсифида синтактик қурилмаларнинг ўрнини тадқиқ қилиш асосида:

ўзбек тилшунослигида муайян мақсадли синтагмаларнинг прагматик хусусиятларини таҳлил қилишда прагмемалар тизимини тиклаш зарурияти борасидаги илмий хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институти томонидан олиб борилган ФА-Ф1-ГОО3 “Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши” (2012-2016) мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 21 сентябрдаги 17.01/233-сон маълумотномаси). Натижада матнда синтактик қурилмаларнинг лингвопрагматик қимматини фақат гап доирасидагина эмас нақл-мақол, матал ва масалларда ҳам аниқлаш зарурияти хусусидаги талқинларни мукаммаллаштиришга эришилган;

синтактик қурилмаларнинг лингвопрагматик хусусиятларини ўзбек тили сўзлашув нутқ услуби эркинлиги ҳамда имплицит ифодаларга бойлиги сабабли мулоқот ёки контекст доирасида аниқлаш лозимлиги хусусидаги илмий хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институти томонидан олиб борилган ФА-А1-ГОО7 «Қорақалпоқ нақл-мақоллари лингвистик тадқиқот объекти сифатида» мавзусидаги амалий илмий лойиҳаларда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 16 августдаги 17.01/176-сон маълумотномаси). Натижада қорақалпоқ нақл-мақолларини лингвистик тадқиқот объекти сифатида ўрганишга эришилган;

ўзбек тилида дарак, сўроқ, буйруқ ва истак гапларнинг лингвопрагматик табиатида инверсия, парцелляция ва эллипсис ходисаларининг юқори экспрессив имкониятларига оид назарий қарашлар ҳамда ўзбек тилида бадий матн таркибидаги синтактик қурилмаларнинг коммуникатив-синтактик жиҳатларини илмий асослашга доир натижаларидан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «O‘zbekiston» телерадиоканали ДМ «Маданий-маърифий ва бадий эшиттиришлар» муҳарририяти томонидан тайёрланган «Таълим ва тараққиёт», «Адабий жараён» радиоэшиттиришларини тайёрлашда (2020-2021 йиллар давомида) фойдаланилган. (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2022 йил 19 январдаги 04-36-109-сон маълумотномаси). Натижада ушбу эшиттиришлар учун тайёрланган материаллар илмий далиллар билан бойиган, мукаммаллашган, қизиқарлилиги, ҳаётийлиги ҳамда илмий аҳамияти ортган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 7 та мақола, жумладан, 2 та республика, 5 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 136 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг «**Кириш**» қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалари, шунингдек, тадқиқотнинг объект ва предмети шакллантирилган, тадқиқот ишининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгиликлар ва тадқиқотнинг амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини жорий қилиш, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Ишнинг I боби «**Матннинг амалий фаолиятига прагматик ёндашув**» деб номланиб, «Прагматик лингвистиканинг шаклланиши ва матннинг лингвопрагматик тадқиқи», «Дискурс ва маданий компетенция» каби бўлимлардан иборат.

Сўнги ўн йилликларда олиб борилган тадқиқотларнинг умумий тенденцияси – тил нафақат олам лисоний тасвирини акс эттириш воситаси, балки ўзининг функционал, коммуникатив жиҳатлари билан муҳимлигига эътибор қаратила бошланганлиги билан характерлидир. Шу тариқа, антропоцентрик тамойиллар негизда тилнинг инсон ҳаётидаги ўрни ва тил тараққиётида инсон омили дихотомияси лингвистик прагматиканинг шаклланишига замин ҳозирлади. Агар илгари тадқиқот предмети сўз ва жумлаларнинг формал табиатига, имманент вариантларига кўпроқ эътибор қаратилган бўлса, прагматика сўзлашувнинг коммуникатив мазмунини тадқиқот объектига айлантирди.

«Прагматика» атамаси (юнонча «фаолият», «ҳаракат» маъносида) семиотика – белгиларнинг умумий назарияси асосчиларидан бири бўлган Ч.Моррис томонидан илмий муомалага киритилган. Олим Чарлз Пирс ғояларини ривожлантирган ҳолда семиотикани уч қисмга ажратди:

1) **семантика** – белгиларнинг воқелик объектларига муносабати тўғрисидаги таълимот;

2) **синтактика** – белгилар ўртасидаги муносабатни ўрганиш;

3) **прагматика** – белгиларнинг интерпретаторлар, яъни белгилар тизимидан фойдаланувчиларга муносабати ҳақидаги таълимот<sup>5</sup>.

И.П.Сусовнинг таҳлилига кўра, прагматизм фалсафасининг асосий тамойили С.Пирсга тегишли бўлиб, унга кўра юзага келиши мумкин бўлган оқибатларга қараб қийматни ҳисобга олиш, муваффақиятга олиб борувчи ва амалий натижа берувчи фаолиятни танлаш нуқтаи назаридан кўриб чиқилиши керак. Интерпретант, айнан, прагматизм фалсафаси назарда тутган вазиятларни ўзига сингдиради<sup>6</sup>.

Прагматика – бу тил ташувчиси ва тил ўртасидаги муносабатни ўрганадиган фан. Прагматика икки хил муаммони таҳлил қилади: биринчидан, нутқий акт ва нутқ «маҳсулотлари»нинг қизиқарли турларини аниқлаш; иккинчидан, нутқий контекстда, муайян жумлада қандай пропозиция ифодаланишини аниқлашга таъсир қилувчи белги ва хусусиятларни тавсифлаш<sup>7</sup>.

Фаолиятнинг англаш тамойилига ўтиш тилшуносликнинг асосий муаммоси – маънога янгича талқинни шакллантирди. Тил ҳодисаси семантика билан нутқ ҳодисаси прагматика туташган жойда прагмасемантика дейиш мумкин бўлган нутқ семантикаси жадал ривожланди. У сўзловчи нутқининг маъноси – субъектнинг нутқий фаолияти мақсади ва ниятлари мажмуи вазифасини бажаради. Бунда эксплицит – тўғридан-тўғри ва имплицит – яширин маънолар ўртасидаги боғлиқлик муҳокама қилинади<sup>8</sup>.

Мулоқот хулқининг шартли (одатий) меъёрлари ҳақида гапирганда, В.Г.Гак **прагмема**, яъни прагматик функция бажарувчи тил бирлиги тушунчасидан фойдаланади. Бир хил прагмема турли тилларда турли шаклларда ифодаланиши мумкин<sup>9</sup>. Рус тилида жамоат жойида ким биландир «До свиданья», «Прощайте», «Всего доброго!» каби иборалар билан, ўзбек тилида эса «Хайр», «Яхши қолинг», «Яхши боринг», «Мен борай» каби шаклларда хайрлашиш мумкин. Рус тилида Ш<sub>1</sub>Ш<sub>2</sub>Ш<sub>3</sub> → П<sub>1</sub>, ўзбек тилида Ш<sub>1</sub>Ш<sub>2</sub>Ш<sub>3</sub> Ш<sub>4</sub> → П<sub>1</sub>. Шунингдек, ўзбек тилида «Хайрли тонг», «Хайрли кун», «Хайрли оқшом», «Хайрли кеч» иборалари саломлашиш маъносини ифодаласа, «Хайрли тун» хайрлашиш маъносини ифодалайди. Демак, бу ерда «Хайрли тонг», «Хайрли кун», «Хайрли оқшом» иборалари шакл бўлса, **саломлашиши** маъноси прагмема, шунингдек, «Хайрли тун» шакл, **хайрлашиши** прагмема ҳисобланади. Яъни, Ш<sub>1</sub>Ш<sub>2</sub>Ш<sub>3</sub> → П<sub>1</sub>ни ифодаласа, Ш<sub>4</sub> → П<sub>2</sub> ни ифодаламоқда.

Мулоқот жараёнида қўлланилаётган тил бирликларининг тингловчига таъсири масаласида дискурсив вазиятнинг интралингвистик ва экстралингвистик омиллари тил функцияси табиатини белгилайди.

<sup>5</sup> Арутюнова, Н.Д. Истоки, проблемы и категории прагматики // Новое в зарубежной лингвистике; Лингвистическая прагматика. – М.: Прогресс, 1985. Вып. 16. – С. 21-38.

<sup>6</sup> Сусов И.П. Лингвистическая прагматика. – М.: Восток, – Запад, 2006. – С. 8.

<sup>7</sup> Столнейкер Р.С. Прагматика. Перевод с английского В. В.Туровского // Новое в зарубежной лингвистике; Лингвистическая прагматика. Сборник. – М.: Прогресс, 1985. Вып. 16. – С. 419-439.

<sup>8</sup> Сусов И.П. Лингвистическая прагматика. – Винница. Нова Књыга, 2009. – С. 10.

<sup>9</sup> Гак В.Г. Языковые преобразования. – М.: Школа Языки русской культуры, 1998. – С. 570- 571.

Прагмалингвистик тадқиқ жараёнида муайян дискурсив вазиятда, айнан, тил функциялари қай даражада амал қилаётгани таҳлилга тортилади, уларнинг мулоқот самардорлиги / самарасизлигидаги ўрни ва роли ўрганилади.

Функционал нуқтаи назардан тил тизими кўп ўлчовли тузилма бўлиб, матн ёки дискурс моҳиятига кўра турли ракурсларда ўзига хос жиҳатлари билан фарқланади. Шунинг учун ҳам тил функцияларини таснифлашда турлича ёндашувлар мавжуд.

Матннинг ўзига хос хусусиятлари унинг яширин маъноларини ўрганишда самара бериши табиий. Уларни идрок этиш ва тушуниш учун лисоний қобилият билан бирга онгдаги умумий билимлар заҳираси ҳам ҳаракатга келади. Н.Д.Арутюнованинг фикрича, айрим ҳолларда нутқий вазиятга кўра очиқчасига гапириш ноқулай вазиятга олиб келиши мумкин<sup>10</sup>.

М.Ҳакимов импликация тушунчасини ифодалаш учун «умумяширин» атамасини қўллайди ва яширин маъноларнинг барчасини қамраб олишини, лекин ўзбек тилида бу борада умуман тадқиқодлар олиб борилмаган бўлса-да, мумтоз адабиётга оид назарий манбалар бу йўналишга оид фактик материалларга ниҳоятда бой эканлигини таъкидлайди<sup>11</sup>.

Ўзбек тилшунослигида эса бадиий асарнинг зоҳирий ва ботиний маънолари хусусидаги қарашлар мумтоз адабиёт доирасида қадимдан мавжуд бўлса-да, замонавий бадиий матнлардаги имплицитлик борасидаги изланишлар эндигина шаклланмоқда. Нутқда ифодаланадиган имплицитликнинг мураккаб семантик таркиби, турли воситалар орқали ифодаланиши бугунги кунда кўпчиликни қизиқтириб келаётган мураккаб масалалардан биридир. Яширин ифодаланадиган имплицит маънолар ёзувчининг бадиий маҳорати, тил бойликларини қай даражада ўзлаштирганлиги ва тил бирликларининг услубий имкониятларидан моҳирона фойдалана олиш қобилиятига ҳам боғлиқдир. Бу эса бадиий матнлар имплицитни ифодалаш воситаларини аниқлаш учун кенг майдон бўла олади деган хулосага олиб келади. Ёзувчининг ўз асари орқали нечоғли имплицит ахборот тақдим этиш мақсади, ифодаланган мазмуннинг яширин баёнини англаш адресатнинг фикрлаш қобилияти ва олам ҳақидаги тасаввурлари даражасига боғлиқдир.

Имплицитлик тушунчаси «тил воситаларида бевосита ифода топмаган, тингловчи томонидан нутқий тузилманинг воқеланиш шароитлари ва эксплицит ифодаланган маъно ҳамкорлигидан келиб чиқиб фаҳмланидиган элемент<sup>12</sup>» сифатида кейинги йилларда ўзбек насрида пайдо бўлган кўплаб рамзий-мажозий баён асосидаги насрий асарларни таҳлил қилишда қўл келади. Масалан, Назар Эшонқулнинг «Маймун етаклаган одам» ҳикояси, Тоғай Муроднинг «Отамдан қолган далалар», Мурод Муҳаммаддўстнинг

<sup>10</sup> Арутюнова Н.Д. Истоки, проблемы и категории прагматики. // Лингвистическая прагматика. – М.: Прогресс, 1985. Вып. 16. – С. 21-38.

<sup>11</sup> Бу ҳақда қаранг: Ҳакимов М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. – Т.: Akademnashr, 2013. – 176 б.

<sup>12</sup> Шамахмудова А. Замонавий тилшунослиқда билвоситалик ва имплицитлик тушунчалари // Хорижий филология. – 2017. – № 1. – Б. 87.

«Лолазор», Хуршид Дўстмухаммаднинг «Бозор» романлари ва бошқа кўплаб асарларни кўрсатиш мумкин.

Антропоцентрик тамойилга кўра бадий матнда нутқий вазият полифоник моҳият касб этади: «муаллиф-бадий асарнинг яратувчиси», «ҳаракатланувчи шахс», «ўқувчи-бадий асарнинг қайта яратувчиси»<sup>13</sup>.

Шу нуқтаи назардан ёндашилганда, оддий дискурсив матнда адресант-адресат мулоқоти амалга ошса, бадий матннинг маъно-мазмуни икки томонлама мураккаблашади. «Ҳаракатланувчи шахс»лар, яъни персонажларнинг ўзаро дискурсив мулоқоти жараёнидаги базисда муаллифнинг субъектив муносабати ҳам англашилади.

- *Менга қара, Қурбоной.*

*Қурбоной хола қаддини ростлади. Комиссар сут бидонини қор устига қўйиб, алланечук қунишиб турар, захил юзи ўйчан эди.*

- *Ростингни айт! - деди кинояли илжайиб. - Жойнамоз устида ҳар куни қаргасанг керак мени? Ота-онанг учун, ўзинг учун... Фақат тўғриси айт!*

- *Ўзимга нима қипти? - деди Қурбоной хола дили оғриб.*

- *Хэх! - Комиссар калтакесакдек чирқиллаб кулди. - Ўзинг бўлмаса ота-онанг учун...*

- *Мен ҳеч кимни қаргамийман, - деди Қурбоной хола ишонч билан. - Қуръонда битилган: Аллоҳ ҳар нарсани кўргувчидир. Тангрим ҳаммасини кўриб турибди.*

*Комиссар бирнас гезариб турди-да, бидон бандидан кўтарди. Индамай нари кетди. (Ў.Хошимов «Тушда кечган умрлар»)*

Ушбу парчада матннинг имплицит маъноси аллюзия воситасида юзага чиқади. Аллюзия (лот. «allusio» – ишора, ҳазил) – барчага таниш деб ҳисобланган реал сиёсий, маиший, тарихий ёки адабий фактга ишора қилишга асосланган стилистик усул. Моҳиятан, Шарқ мумтоз шеъриятида кенг қўлланган талмеҳ санъатига яқин келади. Фарқли жиҳати шуки, талмеҳ кўпроқ машҳур тарихий ва бадий фактларга ишора қилинса, аллюзияда ижодкор ўз замонасидаги сиёсий, маиший ёки бадий фактларга ишора қилиши ҳам мумкин. Яъни, аллюзияда ишора объектининг доираси кенгроқ<sup>14</sup>.

Қурбоной томонидан айтилган «Тангрим ҳаммасини кўриб турибди» жумласида «Худо жазойингни ўзи беради» прагмемаси ифодаланган бўлса, асар охирироғида бўлиб ўтган шу қиска дискурсив мулоқот собиқ Иттифок давридаги мустамлака йиллари силсилалари, маънавий-руҳий босимлар, репрессия даҳшатлари, мавжуд ижтимоий муҳит таъсирида тарбияланган авлодлар фожиаси каби миллатнинг оғриқли нуқталари персонажлар ҳаётидаги кесишган нуқталар – Комиссарнинг Қурбонойлар оиласига синфий душман сифатида қараши, ота-онасининг қотили экани, унинг ёш етим қолиб, ҳаётда кўп қийинчиликларга дучор бўлишига сабабчи эканлиги ва ижтимоий типик шахс сифатида кўп одамлар ҳаётига зомин бўлган

<sup>13</sup> Юсупов О. Баий матннинг лингвокогнитив хусусиятлари // ТДПУ Илмий ахборотлари. Илмий-назарий журнал. – Т., 2017. – № 2. – Б. 36.

<sup>14</sup> Куронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Т.: Академнашр, 2010. – Б. 28.

Комиссарнинг умри ниҳоясида хор бўлганлигига Қурбоной ўз кўзи билан гувоҳ бўлаётганлиги каби экспрессив жараёнлар қабарик ҳолда асар қаҳрамонлари нутқи орқали ёзувчи призмасидан ўтказилади ва адресатга тақдим қилинади. Қизиқ жиҳати шундаки, мана шу имплицит маънолар муаллиф нутқи орқали эмас, асар матни ва персонажлар нутқидаги эксплицит мазмунга сингдирилган ҳолда юзага чиқади.

Демак, ижодкор бадиий матнда ўз нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда, атроф-муҳит тўғрисидаги тасаввурлари ва ўйларини асарида баён қилинаётган воқеликка сингдириб ифодалайди. Шунинг учун ҳам бадиий матнни адресат (ўқувчи) борлиқнинг реал инъикоси тарзида қабул қилади, таъсирланади. Реал нутқнинг лингвопсихологик қурилиши ва баён қилинаётган ифодани тушунишдаги қийинчиликларни аниқлайдиган омилларни белгилаш учун оғзаки ва ёзма нутқ шаклларининг синтагматик ва парадигматик тизимлари ҳақида фикр юритиш керак бўлади.

Таъкидлаш керакки, коммуникатив вазият параметрлари ифода детерминантларини тўғридан-тўғри англамайди, балки сўзловчи ёки тингловчининг нутқий вазият ҳақидаги субъектив умумлашма тасвири билан белгиланади.

Шундай қилиб, тағмаъно – матнда объектив ва субъектив мазмун кесишмасида содир бўладиган ҳодиса. Бир томондан, бу матннинг моддий томонида актуаллашади, бошқа томондан, у субъектив моҳият сифатида амалга оширилади. Бу тағмаънони мураккаб ҳодисага айлантиради. Бадиий матн семантик структурасининг бир қисми бўлиши ва яширин маъноларни ифодалаш, тағмаънонинг ҳар доим кўп маъноли, ўзгарувчан, структурага қийинчилик билан бўйсунуши, турли хил восита ва шаклланиш усулларига эгаллиги билан ёндош ҳодисалар орасида муҳим ўрин эгаллайди<sup>15</sup>.

Импликация ва тағмаъно бир-биридан сезиларли фарқ қилади: импликация рематик эмас, бир маънода, ўзгармас, осон тузилган; тағмаъно рематик, шунинг учун полисемантик, ўзгарувчан, тузилиш жиҳатдан мураккаброқ. Е.И.Лелис импликация ва тағмаъно ўртасидаги фарқ масаласи тадқиқотчиларни «импликация усули тағмаъно ҳосил қилиш асоси (воситаси)дир» деб хулоса чиқаришларига сабаб бўлганлигини таъкидлайди<sup>16</sup>. Биз ҳам мана шу фикрни маъқуллаймиз.

Тилга антропоцентрик ёндашув ўзаро мулоқот жараёнида инсон омили билан боғлиқ жиҳатларни ўрганиш психоллингвистика, лингвокультурология, когнитив тилшунослик, прагмалингвистика каби соҳаларнинг такомиллашувини тезлаштирар экан, мустақил парадигма сифатида тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Матн яратишдан мақсад фикрни узвий ифодалаш орқали шахслараро муносабатни таъминлашдир. Айнан мулоқот жараёни, яъни шахслараро лисоний муносабат маҳсули бўлган дискурсининг прагмалингвистик талқини масаласи турли нуқтаи назардан тадқиқ этишни

<sup>15</sup> Лелис Е.И. Теория подтекста: учеб.-метод. пособие. – Ижевск, Изд-во. Удмуртский университет, 2011. – Б.16.

<sup>16</sup> Лелис Е.И. Кўрсатилган манба. – Б.12.

тақозо этмоқда. Прагматик муносабатлар занжири адресант-матн-адресат тизими орқали юзага келади.

Дискурс антропоцентрик тамойиллар асосида юзага келган тил фалсафаси, социолингвистика, психолингвистика, когнитив лингвистика, прагмалингвистика, суд лингвистикаси, тижорат лингвистикаси каби янги йўналишдаги тадқиқотларда етакчи тушунчалардан бири сифатида майдонга келди. Дискурс борасида кўплаб таърифлар юзага келдики, уларнинг ҳар бирида бу мураккаб жараённинг муайян қирралари акс этган дейиш мумкин. Демак, дискурс, яъни тил ташувчиларининг ўзаро мулоқоти жараёнида тил феномени интралингвистик ва экстралингвистик омиллар қуршовида жонланади, яъни ҳаракатга келади.

Баъзан муайян бир фикр ифодаси учун мутлақо ўзгача семантикага эга синтактик қурилмадан фойдаланиш зарурати юзага келади. Бунда ўша ўзгача тарзда ифодаланган маъно тил меъёри доирасида қабул қилинади. Айни восита тўғридан-тўғри ифодаланадиган бирлик сингари ўзининг моддий-мантқиқий маъносида ҳам, мажозий маънода ҳам бўлиши мумкин. Ушбу ҳол тил бирликларининг воқеликни ўзига хос тарзда ифода этишини кўрсатадики, бундай ҳолларда тил бирликлари орасидаги мувофиқлик прагматик хусусият касб этади.

Демак, ифоданинг адресат томонидан тўғри қабул қилинишига асосий маъно ташувчи лексик бирликларгина эмас, балки синтактик қурилмаларнинг тўғри идрок этилиши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Мулоқот таркибидаги ҳар бир унсур, катта-кичиклигидан, асосий ёки ёрдамчилигидан қатъи назар, муайян маъно ва лисоний вазифанинг юзага келишида маълум аҳамият касб этадики, унинг адресат томонидан етарли баҳоланмаслиги ёки янглиш тушунилиши сўзловчи назарда тутган фикрнинг нотўғри талқинига олиб келади.

Тил бирликлари ҳамма вақт ҳам одатда қўлланиладиган нутқий қолипларда келавермасдан, баъзан ўзгача матний хусусият ҳам касб этадики, уларнинг жиҳати янги прагматик маъно ташишга хизмат қилади. Грамматик шакл у ёки бу тарзда маъно моҳиятини акс эттиради. Тилга замонавий когнитив ёндашув асосини тил бирликлари шаклларида мақсадга мувофиқ когнитив тузилмаларни қайта тиклаш ғояси ётади. Қайта қуриш лингвистик шаклнинг асос маъноларига асосланади: лингвистик шакл қандай туртки берса, унинг ортида турган когнитивликни акс эттиради. Дискурсив вазият нутқ бирликларини танлашга бевосита таъсир қилади. Синтактик қурилмалар трансформацияси воқеликни баён қилиш билан бирга баҳо муносабатини ҳам ифодалайди. Субъект билан боғлиқ ҳар қандай нутқда сўзловчининг ижобий ёки салбий муносабати акс этади. Прагматик баҳонинг юзага келишида трансформацияланган синтактик қурилманинг ижобий ёки салбий бўёққа эгаллиги гапнинг ифода мазмунини кенгайтиради.

Ишнинг II боби «Синтактик сатҳ тил бирликларининг нутқ индивидуаллигини таъминловчи лингвопрагматик табиати» деб номланиб, «Сўз бирикмаси», «Содда гапларнинг грамматик позициясида лингвопрагматик белгилар», «Мураккаблашган содда гаплар», «Ундалма ва

ундовларнинг лингвопрагматик хусусиятлари», «Кириш ва киритмаларнинг прагматик имкониятлари» каби бўлимлардан иборат.

Сўз бирикмаси синтактик бирлик сифатида структураси, шакли, бирикма таркибидаги сўзларнинг вазифаси, ўзаро бирикиш усуллари ва турлари, бирикмаларнинг турлари ва шу каби қатор масалаларни қамраб олади. Шунингдек, сўз бирикмасининг ибора, сўз қўшилмаси ва қўшма сўзлардан фарқлаш масаласи ҳам муҳим жиҳат ҳисобланади.

Сўз бирикмасидаги синтактик муносабатлар куйидаги омилларга боғлиқ: 1) бирикма қисмларининг умумий лексик-грамматик хусусиятлари ва уларнинг категориал маъноларига; 2) сўзларнинг лексик маъносига; 3) бирикма қамровидаги контекстга. Таркибига кўра сўз бирикмасининг содда ва мураккаб турлари мавжуд.

Замонавий қарашлар асосидаги янги талқинлар негизида сўз бирикмасини синтактик қурилмаларнинг асосий турларидан бири сифатида ўрганишга эътибор янада кучаймоқда<sup>17</sup>.

Ўзбек тили грамматикасида, одатда, сўз бирикмаси номинатив функция бажаради, ёлғиз ўзи гапни ташкил қилмайди деган фикр тилшунослар томонидан эътироф этилади. Лекин таҳлилларимиз шуни кўрсатадики, муайян дискурсив вазиятда, хусусан, диалогик нутқда қўлланадиган тўлиқсиз гапларда сўз бирикмаси ҳам ва ҳатто биргина сўз ҳам гапга тенг келади, яъни предикативлик ва интонацион тугалликка эга бўлади.

1) - *Хўш, Тарлонингиз ким?*

- *Бизнинг отимиз-да, капитан, катта.* (Тоғай Мурод «От кишнаган оқшом»)

*Бизнинг отимиз-да, капитан, катта.*

2) - *Бир соат танаффус!* - деди катталар.

*Ўтириб-ўтириб, қорним очқади. Чойхонага қараб юрдим.*

*Мен чой ичиб қайта бердим, одамлар суддан чиқиб кела берди.*

*Демак, суд соб бўпти, энди суд оқибатини сўрайин, дедим* (Тоғай Мурод «От кишнаган оқшом»).

Биринчи жумлада *бизнинг отимиз* сўз бирикмаси тўлиқсиз гапга тенг бўлиб, *капитан, катта* ундалмаси гап бўлаги ҳисобланмайди. Иккинчи жумлада *бир соат танаффус* бирикмаси кучли интонацион оҳанг воситасида гапга айланган. Ёзувдаги ундов белгиси гапга қатъий тугалланганлик тусини беради.

*Капитан катта менга юзланди.*

- *Шуларми?* - деди.

- *Шулар, ҳа, шулар,* - дедим.

- *Олиб кетинг буларни!* - деди капитан катта.

*Милиционер бўзболаларни ҳайдаб кетди* (Тоғай Мурод «От кишнаган оқшом»).

---

<sup>17</sup> Сайфуллаева Р., Менглиев Б., Боқиева Г., Қурбонова М., Юнусова З., Абузалова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Т., 2009. – Б. 271; Раупова Л.Р. Ҳозирги ўзбек тилида сўз бирикмалари. – Т.: Yoshlar matbuoti, 2015. – 218 б.



«Олиб кетинг буларни!» гапи «буларни олиб кетинг» сўз бирикмасига тенг бўлиб, инверсияга учраган, яъни ҳоким сўз ва тобе сўзнинг тартиби ўзгарган. Одатда, исм+феъл шаклидаги бошқарувли бирикмаларда сўз тартиби ўзгарса ҳам, семантик маъно ўзгармайди: «олиб кетинг буларни – буларни олиб кетинг». Аниқловчи+аниқланмиш шаклидаги бирикмадаги сўз тартиби ўзгарганда эса сўз бирикмасининг грамматик моҳияти ўзгариб, гапга айланади: *ширин овқат – овқат ширин*.

Бирикма компонентларининг кўчма маънода қўлланиши гапнинг прагматик мазмунини ўзгартиради.

- Қалай, ов тузукми? - деди нонушта қилгани ўтиришиганда.

- Зўр, - жилмайди Абдулла.

- Аслида ишимни ташлаб овчиликка ўтиб қўя қолсам ҳам бўлар экан.

- Ҳали ҳам трактор ҳайдайсизми?

- Сал баландроқдан кел. Ҳамма тракторчиларнинг бошлигиман ҳозир (Ў.Умарбеков). Дискурсив вазият талаби билан «сал баландроқдан кел» тўлиқсиз гапининг кесими ва унинг кенгайтирувчиси вазифасида келган бирикма компонентлари семантик мувофиқлашув асосида кўчма маънода қўлланган ва «баланддан келмоқ» тарзидаги фраземага яқин тушунча ифодаловчи тил бирлигига айланган.

«Ўзаро синтактик муносабатга киришаётган лексемаларнинг мазмуний мувофиқлиги қонуниятини синтагматик муносабатга киришаётган ҳар икки лексема мазмуний мундарижасида бир хил семанинг мавжуд бўлишини тақозо қилади. Ўзаро мазмуний боғланувчи икки лексемада тақрорланувчи бир хил семанинг мавжуд бўлиши уларнинг шу сема асосида синтагматик муносабатга киришиш имкониятини таъминлайди<sup>18</sup>». Шу нуқтаи назардан, «келмоқ» йўналиш феъли билан «баланд» семемаси таркибидаги «жой» семаси мувофиқ тарзда «баланд (жой)дан келмоқ сўз» бирикмасини ҳосил қила олади. Бироқ юқоридаги матнда «овчиликка ўтиб қўя қолсам, трактор ҳайдайсизми, тракторчиларнинг бошлигиман сўз бирикмаларининг мантикий уйғунлиги ҳамда баланд семемасининг «юқори» семаси қабул қилувчи онгида «баландроқ (яъни, юқорироқ) мансабни айтавер» прагмемасини шакллантиради.

Сўз бирикмаси сўзнинг синтактик валентлиги асосида гапдан мустақил мавжуд бўлса-да, махсус синтактик бирлик сифатида жумла таркибида ишлатилади. Нутқий вазият талаби билан сўз бирикмаси ўзгаришларга учраши мумкин.

Тилшунослик фанининг кейинги юз йиллик даврида жаҳон миқёсидаги тараққиёти натижасида гапнинг ифода, мазмун ва маъно қатламларига эга синтактик яхлитлик сифатидаги мавқеи борасидаги серкирра парадигматик тадқиқ доираси шаклланди ва шу асосда матн таркибидаги имкониятлари ўрганила бошланди.

«Гап синтактик яхлитлик, бу унинг грамматик шаклланганлиги, таркибий узвлари бир бутунлик ҳолига келганлиги билан изоҳланади. Демак,

<sup>18</sup> Нурмонов А. Танланган асарлар Уч жилдлик. III жилд. – Т.: Академнашр, 2012. – Б.39.

гапда бир неча жиҳат бирлашган бўлади. Биринчи жиҳат гапнинг моддий қобиғи, бу уни ташкил этувчи сўз ва грамматик шакллар. Масалан, аксарият гапда кесимлик кўрсаткичлари билан шаклланган атов бирлиги (кесим)нинг бўлиши шарт. Иккинчи жиҳат ана шу моддий қобикқа сингдирилган ақлий маҳсул – фикр-ахборот. Учинчи жиҳат эса сўзловчининг воқеликка муносабати, нутқ вазияти. Бу уч жиҳат нутқда учликни - синтактика, семантика ва прагматика бирлигини ташкил этади<sup>19</sup>».

Антропоцентрик тамойиллар негизида «гап лисоний сатҳда» ва «гап нутқий сатҳда» тушунчалари ажратила бошланди<sup>20</sup>.

Ҳар қандай гапда нутқ эгасининг коммуникатив мақсади акс этар экан, нутқий фаолият маҳсули бўлган гап турларининг ҳар бири прагматик таҳлилга муҳтож бўлади.

Дарак гапда, одатда, муайян сўз тартибига риоя қилинса-да, услубий талаб билан гап бўлакларининг ўрни алмашиши (инверсия) ёки тушириб қолдирилиши (эллипсис) мумкин.

Бадий матнда қаҳрамонлар руҳиятини очиб бериш мақсадида ички монолог берилган ўринларда сўроқ гаплар кетма-кетлиги ўзига хос услубий вазифа бажаради.

Буйруқ гаплар ҳам нутқ эгасининг прагматик мақсадини ифодалашига кўра прагмалингвистиканинг ўрганиш объекти бўла олади. Маълумки, буйруқ гаплар буйруқ, дўк, ялиниш, илтимос, маслаҳат, насиҳат каби маъноларни ифодаловчи алоҳида гап туридир. Буйруқ гапнинг адресатга етказмоқчи бўлган ахборотининг моҳиятига кўра жумланинг семантик мазмуни ўзгаради. Гапларни қисқартириш ҳодисаси, кўпинча жонли сўзлашувда, диалогларда учрайди. Диалоглар сўроқ-жавобдан иборат бўлганда, жавоб тўлиқсиз гапдан иборат бўлиб, унда шу сўроққа жавоб бўлувчи – фикрий жиҳатдан биринчи ўринда турувчи сўзгина айтилади. Мавжудлик билдирувчи кесимлар, кесими буйруқ феълдан бўлган гапдаги эгалар кўпинча яширинади<sup>21</sup>. Кузатишларимиз шуни кўрсатдики, бадий нутқ услубида сўзлашув услубига хос ана шу усулдан персонажлар нутқида кенг фойдаланилади. Хусусан, иккинчи шахсга қаратилган буйруқ майлидаги феъл-кесимдан иборат тўлиқсиз гаплар, кўпинча, такрор ҳолда қўлланиб, ифодадаги эмоционалликни кучайтиришга хизмат қилади.

- *Зарарсизлантир!* - *БТР панасида ётган капитан бўйнини ичига тортиб буюрди:* - *Зарарсизлантир!* (Ў.Хошимов «Тушда кечган умрлар», 50-бет)

*Торини ғилофга тиқа бошлаган созанданинг олдига югуриб борди.*

- *Чал!* – *деди ғайритабиий тантана билан.* - *Чал дейман!* «Лазги»ни чал!  
(Ў.Хошимов «Тушда кечган умрлар», 11-бет)

<sup>19</sup> Сайфуллаева Р., Менглиев Б., Боқиева Г., Қурбонова М., Юнусова З., Абузалова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Т., 2009. – Б. 306.

<sup>20</sup> Қурбонова М., Сайфуллаева Р., Боқиева Г., Менглиев Б. Ўзбек тилининг структурал синтаксиси. Ўқув қўлланмаси. – Т., 2004. – 356 б.; Сайфуллаева Р., Менглиев Б., Боқиева Г., Қурбонова М., Юнусова З., Абузалова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Т., 2009. – 391 б.

<sup>21</sup> Ғуломов А.Ғ. Содда гап (ҳозирги замон ўзбек тили курсидан материаллар). – Т.: ЎзФА, 1955. – Б. 87.

Биринчи вазиятда феъл-кесим ёлғиз такрорланган бўлса, иккинчи вазиятда кесим ўз кенгайтирувчилари билан бирга такрорланган.

Синтактик сатҳга оид тил бирликлари борасидаги назарий тушунчаларнинг ривожланиши натижасида Н.Маҳмудов ва А.Нурмоновларнинг «Ўзбек тилининг назарий грамматикаси (синтаксис)» номли ўқув қўлланмасида гапнинг ифода мақсадига кўра турлари қаторида истак гаплар ҳам мавжудлиги хусусида фикр юритилди. Истак гаплар сўзловчининг истак-хоҳишини ифодалаш учун хизмат қилади. Бундай гаплар сўзловчининг ахборот бериши белгисига кўра дарак гаплар билан умумийликни ҳосил қилади. Лекин тил сатҳида ўзининг алоҳида модели мавжудлиги ва нутқда коннотатив маъно маълум ахборот бериш билан бирга, сўзловчининг истаги, хоҳишининг ифодаланишига эга бўлади. Истак гаплар сўзловчининг истагини ифодалаганлиги учун ҳам у келгусида бўлиши орзу қилинаётган воқеа-ҳодиса, белги-хусусият ҳақида ахборот беради<sup>22</sup>.

Таъкидлаш керакки, анъанавий тилшуносликда истак гаплар ҳам буйруқ гап таркибида ўрганилган, таснифлаш ҳам мана шу асосда шакллантирилган. О.Дадажонова истак гаплар ўз даврида Абдурауф Фитрат томонидан тилак гаплар сифатида ажратилиб, изоҳланганини таъкидлайди<sup>23</sup>. Д.Қўлбоева дарак, сўроқ, буйруқ ва истак гапларни фарқлашда сўзловчининг ифода мақсадини намоиш этишга ёрдам берувчи бош мезон семантик тамойил экан, истак семаси асосида бирлашувчи барча гап кўринишларини бир турга – истак гапларга бирлаштириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди<sup>24</sup>.

Прагматингвистика турли сатҳларга оид тил бирликларининг нутқий мулоқот жараёнидаги тадқиқига янгича муносабатни талаб қилмоқда. Коммуникантлар нутқий мулоқот жараёнида онгли тафаккур орқали бир-бирларини англайдилар. Сўзловчи нутқий вазиятда ўз онгидаги умумий билимлар тизимидан воқеликка хос хусусий белгиларни танлайди ва улар орқали коммуникатив ниятини баён қилади.

Нутқ адресант мақсадини адресатга таништирувчи асосий омил сифатида нутқий ифодани шакллантирувчи (адресант) ва уни қабул қилувчи (адресат) ўртасидаги мулоқот воситаси, яъни мураккаб ва ўзига хос ташкил этилган онгли фаолият шаклидир. Мулоқот жараёнидан, албатта, маълум бир мақсад кўзланади. Мақсад эса прагматик омилларнинг лисоний ҳодисалар билан уйғунлашуви натижасида рўёбга чиқади.

Маълумки, таркибида ундалма, кириш ва киритмалар, ажратилган бўлақлар, ундовлар қатнашган гаплар мураккаблашган содда гаплар ҳисобланади. Бундай гаплар ҳам шаклий, ҳам мазмуний жиҳатдан мураккаблашади. Ундалма, кириш ва ундовлар ифодалаган муносабат гап

<sup>22</sup> Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси (синтаксис). – Т.: Ўқитувчи, 1995. – Б. 31.

<sup>23</sup> Дадажонова О. Истак гапларнинг прагматик хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. 2017. – № 6. – Б. 106-108.

<sup>24</sup> Қўлбоева Д. Ўзбек тилида истак гапларнинг ифодаланиши хусусида // Ўзбек тилшунослиги: тараққиёт тамойиллари, илмий муаммолар, истикболдаги вазифалар мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Т., 2013. – Б. 131-133.

орқали ифодаланаётган синтактик вазият билан сўзловчи ўртасидаги муносабатдир. Бундай муносабат «субъектив муносабатни ифодалайди<sup>25</sup>».

Мураккаблашган содда гаплардаги бундай муносабат гапнинг мазмунини кенгайтиради. Ундалмалар ундаш муносабатини, киришлар модал муносабатларни ифодаласа<sup>26</sup>, ундовлар сезиш ва таъсирланиш муносабатини ифодалайди<sup>27</sup>.

М.Қосимова ундовларни ҳам субъектив муносабат билдирувчи интродуктив алоқа<sup>28</sup>га киришувчи, яъни синтактик алоқага киришмайдиган, фақат мазмуний томондан боғланадиган бирликлар қаторида тадқиқ қилади. А.Нурмонов ва А.Р.Сайфуллаевларнинг бу борадаги ишларида масалага тўғри ёндашилганини эътироф этган ҳолда, яна бир лисоний бирлик – ундовлар эътибордан четда қолдирилганини таъкидлайди. Бу ўринда ундов сўзларнинг ундалма таркибида келиши назарда тутилмайди. Ундов сўзлар, кўпинча, гапда кириш сўзга ўхшаш вазифа бажариб, ундов бўлиб келади. Бундай ундовлар гап мазмунига эмоционал бўёқ бериб, унинг прагматик ҳолатини ўзгартириши мумкин<sup>29</sup>.

Ундалмалар ўзининг лексик-грамматик табиати билан нутқий вазият мазмунига кучли таъсир эта оладиган тил бирлиги ҳисобланади. Ундалманинг гап ичида мавжудлиги, яъни системанинг ажралмас бир узви сифатида, А.Сайфуллаев ва М.Қосимоваларнинг фикрларини умумлаштирган ҳолда ундалма, кириш ва ундовларни «гапнинг учинчи даражали бўлаклари» тарзида таснифланиши тарафдоримиз.

Ундалма гап бўлаклари билан грамматик алоқага киришмайди, лекин сўзловчининг ундаш муносабатини, тингловчи субъектни, бадий матнда эса тингловчи эътибори қаратилмоқчи бўлган предмет ва тушунчаларни ҳам ифодалайди. Ундалманинг қандай объектив вазиятни ифодалаш мақсадида қўлланганини эса фақат нутқий вазиятнинг дискурсив мазмуни белгилайди. Шу жиҳатдан ундалмалар ижобий, салбий, нейтрал қобикларда ҳурмат, эркалаш, кесатик, дўқ-пўписа, қарғиш, менсимаслик, хушомад каби қатор семаларни ифодалаш мумкин.

Ундалмалар оғзаки сўзлашувда, бадий ва публицистик матнларда фаол қўлланади. Уларни қўллаш экспрессивликни синтактик усул билан ифодалаш имкониятини ҳам беради.

Баҳо характеристикасини ифодаловчи ундалмалар эмоционал-экспрессив бўёққа эга бўлиб, фақат нутқ адресатини ифодаламай, уни характерлайди, унга муносабат билдиради<sup>30</sup>.

Бундай ундалмалар табиятан салбий бўёқдорликка эга бўлган сўзлар, метафорик лексемалар, субъектив баҳоли сўзшакллар, вульгаризмлар,

<sup>25</sup> Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. – Т., Ўқитувчи, 1995. – Б. 98.

<sup>26</sup> Маҳмудов Н., Нурмонов А. Кўрсатилган манба. – Б. 98-99.

<sup>27</sup> Қосимова М. Бадий нутқ индивидуаллигининг лингвистик хусусиятлари (Тоғай Мурод асарлари асосида): НДА – Т., 2008. – Б. 14.

<sup>28</sup> Маҳмудов Н., Нурмонов А. Кўрсатилган манба. – Б. 99.

<sup>29</sup> Қосимова М.Кўрсатилган манба. – Б. 14.

<sup>30</sup> Шомаксудов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Ҳ. Ўзбек тили стилистикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1983. – Б. 189.

варваризмлар, ундалмаларнинг такрорланиши каби тил бирликлари орқали ҳосил бўлади.

Метафорик ундалма:

- *Мен сенга бирон ёмон гап гапирдимми, **ит!!!*** (Тоғай Мурод «От кишнаган оқшом»)

*Кўзимни очсам, Ҳожжи буви жилмайиб турибди.*

- *Нега тишлайсан, **кучуквой?** – деди бошимни силаб.* (Ўткир Хошимов «Дунёнинг ишлари»)

Биринчи жумлада «ит» сўзи метафора асосида салбий бўёқдорликка эга бўлиб, тингловчига нисбатан нафратни ифодаласа, иккинчи жумладаги «кучуквой» сўзи болага нисбатан қўлланиб, эркалаш маъносини ифодалаган.

Вульгаризм асосидаги ундалма:

*«Пиқиллама-е-е, **энагар!** Нима, мен еб, сен қуруқ қолдингми?»* (Тоғай Мурод, «Отамдан қолган далалар»)

Варваризм асосидаги ундалма:

*«Менга қара, **чурбан!** Тилинг борми? Бўлса, гапир?»* (Тоғай Мурод, «Отамдан қолган далалар»)

- *Муборак бўлсин, **гирой!***

- *Ия, посон бўп кетибсиз-ку! Дўптингизни бизга сотинг, **гирой!***

(Ў.Хошимов, «Икки эшик ораси»)

